“Мен, куйида имзо чекувчи Альфред Бернхард Ноель ўйлаб, бир карорга келдим ва ушбу нома оркали вафотимгача орттирган мол-мулким хусусидаги васиятни эълон киламан. Мендан кейин коладиган, сотса бўладиган барча мулкни васийларим кимматбахо когозларга айлантириб, жамгарма ташкил килишлари керак. Ундан келадиган фоизлар ўтган йилда одамзодга энг катта фойда келтирганларга мукофот тарзида берилсин. Фоизлар бешта тенг бўлакка таксимланиб, куйидагиларга берилади: биринчи кисми – физика сохасида мухим кашфиёт ёки ихтиро килган одамга, иккинчиси – кимё сохасида йирик кашфиёт килгн ёки уни такомиллаштирган одамга, учинчиси – физиология ёки медицина сохасида буюк ютукларга эришган одамга, тўртинчиси – инсоний идеалларни акс эттирган буюк бадиий асар ёзган одамга, бешинчиси – халкларнинг жипслашувига, кулликни йўкотишга, мавжуд армияларни кискартиришга ва тинчлик шартномаларига хисса кўшган одамга.
Физика ва кимё сохасидаги мукофотлар Швеция киролик фанлар академияси томонидан, физиология ва медицина сохасидагилар – Стокгольмдаги кироллик Каролин институти томонидан, адабиёт сохасидагилар Швеция академияси томонидан, тинчлик мукофоти – Норвегия парламенти сайлайдиган беш кишилик кўмита томонидан берилиши керак.
Менинг алохида истагим шуки, мукофот берилишига номзоднинг миллати таъсир этмасин, мукофотни скандинавияликми ё бошка, бундан катъий назар, энг муносиб одамлар олишсин.
Ушбу васиятим охиргиси ва узил-кесилдир, у конуний кучга эга ва агар, вафотимдан кейин олдинги васиятномаларим чикиб колгудек бўлса, улар ўз кучини йўкотган, деб хисоблансин.
Нихоят, менинг сўнгги талабим шуки, охирги нафасимдан кейин ваколатли врач ўлим етганини аниклагсин ва шундан кейингина жасадим куйдирилсин”.

Париж, 1895 йил, 27 ноябр
Альфред Бернхард Нобель

Нобель мукофоти Васиятномада айтилган беш йўналиш бўйича 1901 йлдан бошлаб берилган. Васиятномада кўзда тутилган мукофот икки лауреатга тенг таксимлаб берилиши мумкин. Ярим мукофотнинг биттаси яна икки кисмга таксимланиши мумкин. Шундай килиб, кайсидир сохада кўпи билан уч кишига битта мукофот берилади. Шу сабабдан турли йиллардаги мукофот пули турли микдорда бўлиб колади. Ундан ташкари, мукофот пули Нобель жамгармасининг йиллик даромадига хам боглик. Энг биринчи мукофотлар 42 минг доллар бўлса, кейин 100 минг 200 минг долларга, 1999-2000 йилларда эса бир миллион долларга чикди.

“Нобель мукофоти олган адиблар”
китобидан